

ШАРТНОМА - ХИСОБ № 185/12-01  
Даврий нашрлар обунаси буйича

Тошкент шаҳри

12.12.2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, "DILDOSH MEDIA" МЧЖ билан ҳамкорликда ташкил этилган "Маданият" газетаси таҳририяти ("Таҳририят" деб юритилади) номидан директор (бош муҳаррир) Д.А. Худайбердиева «Маданият» масъулияти чекланган жамияти Низомига мувофиқ иккинчи томондан «4-сондаги шартнома ва шартномада» номидан директор (келгусида "Обуначи" деб аталувчи), мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздилар.

### I. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. "Обуначи" "Маданият" газетаси нашрга обуна бўлади.

2022 йил учун обуна нашрлар нархи қуйидагича:

Нашр индекси	Нашр номи	Чоп этиш тили	Формат ҳажми	Чиқиш даврий йиллиги (сон)	Обуна баҳоси	ҚҚС 15%	Йиллик Обуна баҳоси	Сони	Жами сумма
285	МАДАНИЯТ	Ўзбек	A3	52	312000	46 800	358 800	6	2152800

### II. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

"Обуначи"нинг мажбуриятлари ва жавобгарликлари:

2.1. "Таҳририят" хизмати учун ушбу шартномада назарда тутилган шарт ва тартибларга кўра тўловни амалга оширади.

2.2. "Таҳририят"га 2022 йил обунаси учун буюртма-нарядни ойлари кесимида жорий йилнинг 25 декабрга қадар тақдим қилади, ҳужжатлар кечиктириб ёки ноаниқ расмийлаштирилса, "Обуначи" "Таҳририят"га буюртма-нарядни умумий суммасининг 10 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

2.3. Йил давомида "Обуначи" қўшимча обунани амалга оширсин, янги буюртма-нарядни "Таҳририят"га ҳар ойнинг 25 санасига қадар тақдим қилади.

2.4. Мазкур шартномага асосан тақдим қилинган буюртма-нарядга кўра нашрларни босмаҳонадан қабул қилиб олади ва ўз кучи билан олиб кетади.

2.5. "Таҳририят"га 2022 йил 31 декабр кунига қадар йил давомида нашрларни қабул қилиб олиш ваколатига эга шахс номига ишончнома тақдим қилади.

2.6. "Таркатувчи" ҳар ойнинг 10-санасига қадар ўтган ойда олинган газеталар ҳисоб-фактурасини "Таҳририят"дан олиши шарт.

**"Таҳририят"нинг мажбуриятлари:**

2.7. "Таҳририят" нашрни "Обуначи"га етказиб бериш маъсулиятини олмайди ва нашрларни ўз вақтида амалга оширади.

2.8. Нашрга оид ҳар қандай ўзгаришлар юзасидан "Обуначи"ни ёзма равишда ёки телефон орқали огоҳлантиради.

### III. ҲИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. "Обуначи" (Индекс 285 буйича) расмийлаштирилган обуна пулини 2022 йил декабр ойининг 25-кунига қадар "Таҳририят"га 100% миқдориди ўтказиб беради. 2022 йилдан кейинги ойлари учун расмийлаштирилган обуна пуллари "Обуначи" обуна ойининг биринчи кунига қадар 100% миқдориди "Таҳририят"га тўлайди.

3.2. "Обуначи" ўз вақтида тўловни амалга оширмаса, кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,5% миқдориди "Таҳририят"га жарима тўлайди. Жариманинг жами миқдори бажарилмаган иш суммасининг 50% дан ошмаслиги лозим.

3.3. “Обуначи” шартноманинг 3.1 бандини бажармаган тақдирда “Тахририят” нашрни “Обуначи”га етказиб беришни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўлади.

3.4. Жаримани тўлаганлик томонларнинг ушбу шартнома мажбуриятларидан озод қилмайди.

3.5 “Обуначи” (Индекс 285) имтиёзли йиллик обуна пулини 100 % миқдориди 2023 йил 25 декабрғача “Тахририят”га тўлаши шарт.

3.6 “Обуначи” (Индекс 285) обуна пулини “Тахририят”га 100% тўлагач ҳамда имтиёзли йиллик обуна бўйича буюртма-нарядни тақдим этгач, унга ўзгартириш киритиши тақиқланади.

#### IV. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. Ушбу шартнома бандларини томонлар бажармаса, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунларига кўра жавобгар бўладилар.

4.2 Ушбу шартнома бўйича барча келишмовчиликлар музокара йўли билан ҳал қилинади, томонлар келишмаган ҳолда низолар амалдаги қонунларга биноан ҳал этилади.

#### V. Форс-мажор

5.1. Томонлар ўзларига боғлиқ бўлмаган (форс-мажор) ҳолатлари, яни сув тошиши, zilзила, ёмғирлар, харбий ҳаракатлар, эпидемия ва бошқалар юзага келгани оқибатида шарнома шартларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

5.2. Форс-мажор ҳолатининг мавжуд экани ва унинг давомийлиги ваколатли орган томонидан бериладиган маълумотнома билан тасдиқланади.

#### VI. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ ВА БОШҚА ТАРТИБЛАР

6.1. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрига қадар амал қилади.

6.2. Шартномага киритиладиган барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда қайд этилган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.3. Шартномани бекор қилиш ниятида бўлган томон бу ҳақида бир ой аввал ёзма равишда иккинчи томонни огоҳлантириши лозим.

6.4. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди ва томонларга бир нусхадан берилди. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эга.

6.5 Шартнома тарафлар имзолаган ва туман (шахар) Ҳазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўткан кундан бошлаб қонуний кучга киради ҳамда 2022 йил декабр ойининг 25-кунига қадар амал қилади.

#### VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТЎЛОВ ҲИСОБ РАҚАМЛАРИ

<p><b>“DILDOSH MEDIA” МЧЖ</b> Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гавхар кучаси 75 уй, Тел: +99890 139 08 08 , (71) 256 04 54 х/р: 20208000504890623001 ХОАБ “ТРАСТ БАНК” «Тошкент» филиали МФО:00850 ИНН:207110271 ОКОНХ: 87100 ОКЭД : 58130 Директор: Д.А. Худайбердиева</p>	<p>“Обуначи” « 4- БИЛДИР » Манзил: <u>Шарнома МЧЖ</u> Телефон: <u>99 890 139 08 08</u> х/р: <u>20208000504890623001</u> МФО <u>00850</u> ИНН <u>207110271</u> ОКОНХ <u>87100</u> <u>Д.А. Худайбердиева</u> МУ <u>Д.А. Худайбердиева</u></p>
--	---



Ҳолати А. Норматов



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"DILDOSH MEDIA" Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"DILDOSH MEDIA" MChJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

07.02.2011

00663308

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

207110271

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

**Mas'uliyati cheklangan jamiyat**

Joylashgan joyi:

**Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Gavxar ko'chasi, 75-uy,**

Guvohnoma:

**Toshkent shahri, Chilonzor tumani, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI**

to'mondan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

